

Саудия Арабистонига авиақатновлар арзонлашиши мумкин



19:31 / 14 ноябрь 426

Саудия Арабистон Қироллигининг «Flyadeal» авиакомпаниясига Ўзбекистонга мунтазам авиақатновларни амалга ошириш учун рухсатнома [берилди](#).

Бу Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистон Қироллиги ўртасида ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимга асосан амалга оширилмоқда.

Авиакомпанияга Жидда-Тошкент-Жидда, Мадина-Тошкент-Мадина ва Жидда-Наманган-Жидда йўналишларида мунтазам авиақатновларини амалга ошириш рухсатномаси расмийлаштириб берилган.

Парвозлар А320 ҳаво кемасида амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистонининг Flyadeal авиакомпанияси қироллик тарихида биринчи марта фақат аёллардан иборат экипаж билан парвозни амалга [оширганди](#). Аъзоларнинг барчаси Саудия фуқаролари бўлган.